

Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эсламан. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда.

Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислом Абдуғаниевичке кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узққни кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани халқ қилувчи аҳамият касб этди.

Еш давлатимиз эндигина оёққа туриб келадиган қалтис ва нозик бир вазиятда турли тор манфаатлар, маҳаллийчилик, сепаратизм ва миллатчилик каби салбий ҳолатларга мутдақо йўл қўйиб бўлмади.

Асосий қонунимизда умумэтироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо кадрлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди. Айнан Биринчи Президентимизнинг сайёҳаракатлари билан Конституциямизда **“Инсон ва унинг кадр-қиммати”** деган улур тушунча марказий ўринга қўйилди.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич Конституциямизнинг лойиҳаси бўйича 1992 йил 8 декабрда, Олий Кенгашнинг тарихий сессиясида сўзлаган нутқида қуйидаги фикрини алоҳида таъкидлаган эдилар:

“Биз сўнгги етмиш йил мобайнида давлатга қарамлик ва сиёсий ҳолатида яшайдик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган.

Яъни, Асосий қонунимизга “давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, деган модала киритилган. Бундан ташқари, **Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, овоздиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қаролатланади”**.

Биринчи Президентимизнинг ана шу фикрлари у кишининг давлат, жамият ва инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир масалага нақадар теран ёндашганидан, шу асосда Конституциямизда энг мураккаб саволларга ҳам жавоб топиш мумкин эканидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи, деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз.

Кадрли дўстлар!

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодийни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашда мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимиз фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратди, сайдов тизимининг асосий тамойил ва қондаларини мустақкамлади.

Бош қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини қаролатлаб берди. Инсоннинг маънавий қамол топиши ва ҳар томонлама уяғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қондалар неғизда юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салохияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаолигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қуни кеча мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда халқимизнинг фавд иштироки аса бунинг яққол далилидир.

Азиз дўстлар, биз бу сайловни Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий меросига ва у киши ўзининг чексиз меҳрини берган халқимизга муносиб тарада ўтказдик.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларини эркин му-



хоқам қилиш шароитида ҳамда демократик принципларга тўлиқ мос келадиган ошқоралик ва очиклик руҳида ўтганини мамнуният билан қайд этамиз.

Сайловларни мана шундай юқори савияда ташкил этган Марказий сайлов комиссиясига, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, уларга қўмақ берган барча фуқаролик жамияти институтларига, сиёсий партиялар фаолларига самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов жараёнида 5 та халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчилар иштирок этдилар. Жумладан, илк бор Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 32 та мамлакатга мансуб 200 нафарга яқин таркибдаги тўлақонли миссияси кузатувчилари қатнашдилар.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларга юксак баҳо бердилар. Барча сайлов участкаларида сайловчиларга қулай шароитлар яратилганини, айниқса, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, турли миллат вакиллари учун сайлов ҳуқуқини амалга ошириш имконияти юқори даражада ташкил қилинганини эътироф этдилар.

Барча чет эллик кузатувчилар томонидан сайлов тенглик ва адолат принциплари асосида, очик ва ошқора ўтгани бир овоздан тан олингани ҳаммамизга мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларга қатта эътибор бериб, сайлов жараёнида иштирок этган барча халқаро кузатувчиларга, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларига ташаккур изҳор этамиз.

Азиз ватандошлар!

Мана шу юксак минбардан туриб, аввало, бўлиб ўтган сайловда менга юксак ишонч билдириб, мен учун овоз берган барча сайловчиларга, нуруний отахон ва онахонларимизга, мухтарома опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимизга, қўнимиллатли бутун халқимизга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигини билдириб, таъзим қиламан.

Халқимиз ўзининг хоши-иродаси билан мени мана шундай юксак лавозимга муносиб қўрганни ўзим учун олий шараф деб биламан. Сизларнинг менга билдирган юксак ишончлигини оқлаш учун бор куч ва салоҳиятим, билим ва тажрибамни, бутун борлигимни сафарбар этаман.

Кадрли дўстлар!

Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим қафолатидир.

Ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада халқ кўп иш қилиши кераклигини таъкидлаш зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларини бевосита тартибга солишдаги роли пастиглича қолмоқда.

Бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Аминманки, ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари бу масалага жиддий эътибор қаратадилар.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда ав-


валамбор қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга солидиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қискартириш зарур, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда Ҳуқуматнинг парламент билан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил соҳасидаги ҳамкорлигини янада самарали ташкил қилиш мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисида доимий асосда фаолият қўрсатадиган вакил лавозимини таъсис этиш мақсадида мувофиқ бўлади.**

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш — бу ишнинг бир қисми, ҳоло.

Асосий масала — қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, маъzur йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асоси-



да чиқарилган.

Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу муаммони самарали халқ қилишнинг бирдан-бир йўли — қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир.

Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чекланиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунларни атрофликда муҳоқима қилиш, юрtdошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам.

Янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш керак.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Шу муносабат билан ушбу вазирлик ва унинг жойлардаги бўлиmlарини фаолиятини танқидий кўриб чиқиш зарур.

Адлия вазирлиги мутасадди идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунларнинг маъно-маънунини жойларга етказиш, уларни кенг тарғиб қилишга қаратилган аниқ тақдирларни ишлаб чиқиши лозим.

Иккинчидан, қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, 20 йил аввал бу борада қабул қилинган Миллий дастурни янгидан ишлаб чиқишни давр-

нинг ўзи такозо этмоқда.

Парламентимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратишда бош-қош бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Конституциямизда олий кадрият сифатида белгиланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун **суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш** нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада яқинда қабул қилинган Фармон ижросини таъминлаш биринчи даражадаги вазифамиздир.

Хусусан, судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак маънавий ҳодимларни корпусини шакллантиришимиз лозим.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига ара-лашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим қафолатидир.

Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овоза бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб туриш қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди.

Қонунчилигимизда адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган. Лекин, афсуски, адвокатура ханузгача фуқаролар ҳуқуқларини ишончли химоя қилиш институтига айлангани йўқ.

Шу боисдан ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатуранинг ўрни ва ролини янада ошириш, унинг ваколатларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак.

Биз **“Адолат — қонун устуворлигида”** деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муро-са-сизлик, жиссини қувайдиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратила-

ди. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиклик ва ошқораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз.

Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзлари томонидан қонунни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга принципал баҳо берилади ва қатъий чора қўрилади. Бунга ҳеч қимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Жамият ривожига ров бўлаётган яна бир иллат — бу коррупция балосидир. Бундай ҳаттарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонунни тезроқ амалга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим.

Буларнинг барчаси ўз навбатида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли химоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишонч-ини янада мустақкамлашга хизмат қилади.

Мухтарам юрtdошлар!

Сизларга яхши маълумки, 2016 йил Биринчи Президентимиз ташаббуси билан **“Соғлом она ва бола йили”** деб эълон қилинган эди.

Бу борада давлат дастури тасдиқланиб, қўллаб тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттириб, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Биринчи навбатда, оналик ва болаликни

муҳофаза қилиш, барқарор ривожланаётган давлатнинг неғизи бўлган оила институтини мустақкамлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада қучайтирилди.

Хусусан, жорий йилда қабул қилинган **“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”**ги қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилан берди.

Соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шарт бўлган репродуктив саломатлиқни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиқлар билан туғилтирилган олдини олиш, тиббиёт мас-канларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустақкамлаш учун тизимли ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда қўп гапириш мумкин, лекин мен фақатгина баъзи бир мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш усул-наларини билан жиҳозлаш учун жорий йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Дастурда белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга яқин фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсон бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Лекин биз учун қанча маблағ кетгани эмас, балки юзлаб болаларимизнинг саломатлиги тиклангани муҳимдир.

Ана шундай ишлар қаторида 700 минг нафар бола пневмокок инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди.

Дастур доирасида аёлларимиз учун зарур шароитлар яратиш, кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш борасида ҳам қатти ишлар қилинди.

Айни вақтда хорижий сармоялар иштирокида кишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш, туман ва шаҳарлардаги сув тармоқларини модернизация қилиш мақсадида 100 миллион доллар маблағ жалб этилди.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, киз болалар ўртасида спортни оммалаштириш борасидаги ишларнинг да-воми сифатида умумтаълим мактабларига 220 дан зиёд спорт заллари барпо этилди.

Еш оилалар, тадбиркор аёллар, коллеж битирувчилари, оилавий бизнес ва хунармандликни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банк-лари томонидан йил давомида 2 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Албатта, **“Соғлом она ва бола йили”** Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узок гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди.

Шунинг ўзи, ўйлайманки, бу борадаги фаолиятимизнинг қўлаи ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, шу йўлда фидо-корона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига, бу олижаноб ишга хисса қўшган барча ватандошларимизга чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз.

Бугун мана шу залда ўтирган, бу масалада ўзининг ёрдам ва қўмагини аямаган халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, келинлар, ҳаммамиз биргаликда самимий ташаккур ва эзгу тилакларимизни билдирайлик.

Азиз юрtdошлар!

Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топанг энг асосий мақсад — **инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш** масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билдиш керак.

Яқинда бўлиб ўтган сайловолди учрашув-ларида мен бир нарсга амин бўлдим. Биз келишни пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди.

Ҳозирги вақтда одамлар давлат идораларидан илмини истаяпти? Бу ҳақда гапирганда, эътиборлигини муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

Ҳабарингиз бор, шу йил 25 сентябрда Бош вазирнинг интернет тармоғида электрон қабулхонаси ташкил этилган эди. Ўтган даврда ушбу қабулхонага фуқароларимиздан 218 миңдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг қарийб 59 фоизи ечимини топан бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилмоқда.

Давоми 3-бетда

Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Давоми. Бошланғич 1-2-бетларда

Очик айтишим керак, бу мурожаатлар тах-
лидан кўп нарса аён бўлди. Таъбир жоиз
бўлса, улар ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткир
муаммоларга қўзимизни очиб берди.

Мана, одамлар нималар ҳақида мурожаат
қилмоқда. Аввало, улар турли соҳалардаги
бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қону-
га зид бўлган қўплаб идоравий йўриқнома-
ларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган
банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик
бўйича ноқонуний текширишларга барҳам
бериш ҳақида, ҳуқуқ-тартиб идораларининг
фаолияти ҳақида мурожаат қилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолимиздан уй-жой
қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хиз-
мати, энергия таъминоти, йўлларнинг холати-
ни яхшилаш бўйича ҳам қўплаб мурожаат-
лар келиб тушмоқда.

Қўриб турибсизки, азиз дўстлар, бу та-
лабларнинг барчаси қонуний ва адолатли.
Бу борада ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ,
деб ўйлайман.

Лекин шу ўринда бир савол тувилади: мана
шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муам-
моларни жойлардаги ҳокимлик ва идоралар,
тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши
зарур эмасми? Холбуки, бу масалада ало-
ҳида қонуний, яъни, “Жисмоний ва юридик
шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги
қонуни қабул қилинган. Лекин, минг афсу-
ски, бу қонуннинг ижросини назорат қилиш
ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шу сабабли ана шу қонун талабларини
бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахслар-
ни нафақат маъмурий, балки жиноий жавоб-
гарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман.

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идо-
ралари халқимизга хизмат қилиши керак ва
бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳ-
барлар яхши тушуниб олиши зарур.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фа-
олияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юза-
сидан яқинда қабул қилинган Фармон та-
лабларига сўзасиз амал қилишни таъминлаш
шарт. Нега деганда, “халқ бой бўлса” давлат
ҳам албатта бой ва қудратли бўлади.

Шу нуктага назардан қараганда, халқ билан
мулоқот ва инсон манфаатлари тушу-
нчалари ўзаро шунчалик боғлиқ кетганки,
уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмай-
ди.

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда,
барча қонун ҳужжатларида халқ билан му-
лоқот тизими ҳақидаги нормаларни аниқ бел-
гилаб қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчасини
ҳисобга олиб, кириб келаётган 2017 йилни
юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон
манфаатлари йили” деб эълон қилишни тақ-
дир этаман.

Энди, ижозатингиз билан, бу борадаги энг
долзарб ва устувор вазифаларга атрофлича
тўхталиб ўтам.

Аввало, “Халқ билан мулоқот ва инсон
манфаатлари йили”нинг асосий мақсад ва
вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат
органларининг фуқаролар билан ўзаро му-
носабатларни юзасидан ёндашуви тубдан
кайта қўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли
билан доимий мулоқот қилиш, уларни қий-
наётган муаммоларни ҳал этишининг янги
механизмлари ва самарали усулларини жорий
этишимиз даркор.

Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган
давлат идоралари фаолиятида одамлар билан
ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақ
янги тизимга ўтиш ҳақида ўйлаймиз.
Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даража-
даги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар
органлари раҳбарларининг аҳоли олдида
ҳисоб бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, ҳар бир туман ва ша-
ҳарда “Халқ қабулхоналари”ни ташкил этиш
ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши-
ни таъминлашимиз зарур.

Айтиш керакки, бундай қабулхоналар сиё-
сий партиялар, жумладан, Ўзбекистон Либе-
рал-демократик партияси тизимида фаолият
кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Чунки сиё-
сий партия фуқароларнинг мақсад ва ман-
фаатларини рўйга чиқарадиган куч сифати-
да одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо
хабардор бўлиши керак.

Айни вақтда бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий
мақомини, уларнинг ваколат ва мажбурият-
ларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш мақсадга
мувофиқдир.

Бизнинг асосий мақсадимиз — “Халқ қабул-
хоналари”га қилинган ҳеч бир мурожаат
этиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан
иборат.

Мухтасар айтганда, одамларнинг дардини
эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш,
оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва
жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат
қилади.

Шу мақсадда аҳолига қувдалик ва энг зар-
ур бўлган давлат хизматларини “ягона дар-
ча” принципи бўйича бир идора орқали
кўрсатиш тизimini тақомиллаштиришимиз
керак.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуддаги вази-
ятни, аввало, фармон ва қарорлар ижроси-
ни, уларнинг самарадорлигини доимий ра-
вишда ўрганиб, бу борада давлат органлари
масъулиятини ошириш бўйича тақдирлар
ишлаб чиқадиган тизимни шакллантириши-
миз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, Олий Мажлис
Қонунийлик палатаси ва Сенати раҳбария-
ти, депутатлар ва сенаторларга бир тақдир
билан мурожаат қилмоқчиман.

Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг
таъсирчан механизмларини шаклланти-
риш мақсадида шаҳар ва туманларда
ҳақиқий аҳолини ўрганиб, тегишли раҳбар-
ларнинг ҳисоботини халқ депутатлари ке-
нагашлари сессияси муҳокамасига киритиш тар-
тибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо
қилмоқда.

Ҳар қайси вилоятдан, масалан, Сур-
хондарёдан сайланган Олий Мажлис депу-
татлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун
давомида бир туманда, айтилик, Музработ
туманида бўлиб, ўзлари сайланган ҳудудда
ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва
ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрга-
ниб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бе-
риши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, ҳозирги кунда Олий Мажли-
симиз Сенати томонидан ҳар йили Бош про-
куратуранинг ҳисоботи эшитилади. Бу ал-
батта муҳим, лекин жойлардаги, масалан,
узққ Олот туманида маҳаллий ҳокимликлар,
прокуратура ва ички ишлар бўлимининг
ҳисоботини ким эшитилади?

Шу нуктага назардан қараганда, Биринчи
Президентимиз жорий этган тизим асосида
хурматли Қонунийлик палатаси Спикери ва
Сенат раиси жойларга чиққанларида маҳал-
лий ҳокимликлар, прокуратура ва ички иш-
лар органлари раҳбарларидан улар ўз им-
масидаги вазифаларни қай даражада ижро
этайётганига, аҳолини ўйлантираётган муам-
моларни, уларнинг мурожаатларини қандай
ҳал қилаётганига алоҳида эътибор қаратиш-
лари лозим.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда пар-
ламент сўрови, тегишли давлат идоралари
раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби ва-
колатлардан кенг фойдаланиш керак.

Ўтказилган барча ўрганишлар натижа-
ларини умумлаштириб, ҳар йили бир марта
ички ишлар вазирининг энг аввало профи-
лактика соҳасидаги фаолияти юзасидан ҳис-
оботини Сенатда эшитиш амалиётини жорий
этиш ҳам тўғрӣ бўлади, деб ўйлайман.

Шу мақсадда Олий Мажлис 2017 йилдан
бошлаб ҳар қайси вилоят бўйича бир йилга
мўлжалланган иш режасини белгилаб олиши
ўринли бўларди.

Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бе-
восита халқ томонидан сайлаш масаласи
ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўриши-
миз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи
сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият ол-
дидаги масъулиятини кескин оширишга эри-
шиш мумкин.

Ҳозиргина баён қилинган устувор вази-
фалар давлат бошқаруви тизимини бугунги
ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб,
янада тақомиллаштиришни тақозо этади.

Бу борада 2017-2021 йилларга мўлжал-
ланган, Ўзбекистон Республикасида маъму-
рий бошқарув соҳасидаги ислохотлар кон-
цепциясини қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Ушбу концепцияга мувофиқ, давлат бош-
қаруви органлари тузилмасини, вазифа ва
ваколатларини оптималлаштириш, уларнинг
ўзига хос бўлмаган, такрорланадиган функ-
цияларини ҳамда ҳодимлар умумий сонини
кискартириш, шунингдек, давлатнинг икти-
содий бошқаришдаги ролини кескин қа-
майтириш бўйича аниқ тадбирлар амалга
оширилади.

Президент девони ва Вазирлар Маҳкама-
си ижро аппарати фаолиятини тақомилла-
штиришга, қабул қилмаётган қонун, фармон
ва қарорлар самарали амалга оширилишини
таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шу билан бирга, давлат хизмати институ-
тини ислох этиш, давлат хизматчиларининг
моддий ва ижтимоий таъминоти, уларнинг
касбий тайёргарлигини тубдан тақомилла-
штириш, бу соҳага янгича фикрлайдиган, масъ-
улиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрлар-
ни жалб этиш бўйича самарали тизим ярати-
лади.

Ана шу масалаларнинг барчаси яқинда
ишлаб чиқиладиган “Давлат хизмати тўғри-
сида”ги қонунда ўз ифодасини топади.

Хурматли дўстлар!
Инсон манфаатларини таъминлашда икти-
содий тизимнинг юксак суръатлар билан бар-
қарор ривожланиши қандай катта аҳамиятга
эга эканини барчамиз яхши тушунаемиз.

Самарали меҳнат учун зарур шароитлар,
муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, си-
фатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва
ҳордик чикариш учун кенг имкониятлар яра-
тиш — буларнинг барчаси иктисодий соҳа-
даги ислохотларимиз моҳияти ва мазмунини
белгилаб берадиган муҳим омиллардир.

Шу борада нафақат энг кам ойлик иш



ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам,
ҳўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача
иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва
ижтимоий нафақалар ҳажмининг босқичма-бос-
қич кўпайтириш эътиборимиз марказида
бўлади.

Аҳолини иш билан таъминлаш биз учун
нафақат иктисодий, айни пайтда катта иж-
тимоий аҳамиятга эгадир. Ҳокимликлар, ва-
зирлик ва идоралар, иш беришни ташкилотлар
билан бир қаторда банк муассасалари ҳам
бу ишда фаол жалб этилиши керак.

Аҳоли билан таъминлаш хал эътишда туризмин
ривожлантириш бўйича катта имкониятлар-
ни ҳам ишга солишимиз лозим.

Шу мақсадда яқинда ташкил этилган Ту-
ризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз
маблағларини ва хорижий сармояларни халқ-
ро стандартларга мос келадиган инфра-
структурани ривожлантиришга йўналтириши
зарур.

Мамлакатимизда инвестиция сибаситини
кучайтириш масаласига биз алоҳида устувор
аҳамият қаратамиз.

Хорижий сармояларни ва илғор техноло-
гияларни иктисодийга жалб этиш учун чет
эллардаги дипломатик ваколатхоналаримиз
қийинчи иш олиб бориши лозим.

Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлиги фа-
олиятини кучайтириш, чет мамлакатлардаги
элчиларимиз нафақат сиёсий, айни вақтда
юртимизга инвестицияларни жалб қилиш ма-
салаларини билан ҳам фаол шугулланишлари
даркор. Уларнинг бу борадаги фаолиятини
назорат қилиш учун Олий Мажлис Сенати-
нинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг
фаолият соҳаси ва ваколатларини кенгайти-
риш зарур, деб ҳисоблайман.

Бу қўмита халқро иктисодий ҳамкорлик,
чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш
масалалари бўйича парламент назоратининг
муҳим бўғинига айланиши лозим.

Қўмита мамлакатимизга инвестицияларни
жалб қилиш борасидаги ишларнинг самара-
дорлиги, бу соҳадаги муаммолар, тўсиқ ва
ғовиларни бартараф этиш, инвестициявий му-
хитни яхшилаш бўйича тегишли идоралар-
нинг масъулиятини ошириш чораларини
қўриши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон манфаатларини таъминлаш яна бир
муҳим масала — аҳолимизнинг яримдан кў-
пайи яшайдиган қишлоқ жойларда ҳаёт даражаси
ва сифатини ошириш билан бевосита боғ-
лиқдир. Шу сабабли биз бундан буён ҳам
қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни
чуқурлаштиришга, ер ва сув ресурсларидан
самарали фойдаланишга, илғор технология-
ларни жорий этишга алоҳида эътиборни қар-
атамиз. Шу билан бирга, хомашёни, энг ав-
ло пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш
бўйича аниқ режалар белгилаш керак.

Яна бир устувор вазифа — янги 2017 йил-
дан бошлаб қишлоқ жойларда янгиланган
намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай
уй-жойлар қуриш дастурини амалга ошириш-
га киришамиз.

Азиз дўстлар!
Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси
инсон, ҳар қайси оиланинг энг зғур орзу-
мақсадлари, ҳаётини манфаатлари аввалам-
бор унинг фарзандлари тимсоллида намоён
бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада
қурғинизда улкан ишлар қилинмоқда ва улкан
амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқ-
да.

Бу ҳақда гапирганда, барчамизга чексиз
ғурур ва ифтихор бағишлайдиган бир ми-
солни айтиб ўтмоқчиман. Жорий йилда Бра-
зилияда ўтказилган Олимпия ва Паралим-
пия ўйинларида спортчиларимиз 44 та ме-
даль, жумладан, 12 та олтин медални қўлга
киритгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий
воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, халқро майдон-
ларда юртимиз байронини балад қўтариб
келаятган спортчи ёшларимизга, уларнинг
ота-оналари ва устоз-мураббийларига чуқур
миннатдорлик билдираман.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаат-
лари йили” дастуридан ёшларимизни соғлом
ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи ало-
ҳида ўрин эгаллаши табиийдир.

Бу борада фарзандларимиз учун зарур
шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия,
маданият, санъат ва спорт масканларини бар-
по этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш,
ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тад-
биркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича
бошлаган ишларимизни янги, юксак босқич-
га кўтарамиз.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча
бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаб-
лари асосида тақомиллаштиришни ўзимиз-
нинг биринчи даражали вазифамиз деб би-
лаемиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда,
Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу
фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаёт-
га кириб келаятган ўғил-қизларимиз амал
қилишларини мен жуда-жуда истардим.

Мана, улўғ аждодимиз нима деб ёган-
лар:

“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат
қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб
иззат-ҳурмат топиши, жаҳонир бўлиши ёки
заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик
юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўза-
ларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг
ўз ота-оналаридан болаликда олган тарби-
яларига боғлиқ”.

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг
сўзлар!

Бугунги кунда ён-атрофимизда диний эк-
стремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам са-
воси, ноқонуний миграция, “оммавий мада-
ния” деган турли бало-қазоларнинг хавфи
тобора кучайиб бораётганини ҳисобга ола-
диган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси
ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тар-
бияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамияти-
ни ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб
қолмоқда.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният ол-
дида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имко-
ниятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни
илгари қўрилмаган турли ёвуз хавф-хатар-
ларга ҳам дучор қилмоқда. Фарзли кучлар
соғда, гўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юр-
тига қайтариб, уларнинг ҳаётига, умри-
га зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз
ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик,
маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳ-
лиқни янада оширишимиз керак. Болалари-
мизни бировларнинг қўлига бериб қўйма-
дан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гап-
лашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дар-
дини билиш, муаммоларини ечиш учун ама-
лий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюш-
маган ёшлар билан ишлашга алоҳида эъти-
бор қаратишимиз зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз ас-
рлар мобайнида шакллانган миллий анъана-
ларимизга, аждодларимизнинг бой меросига
таънаемиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз
болаларнинг замонавий билим ва касб-хуна-
ларини, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар
томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаёт-
дан муносиб ўрин топишлари учун барча куч
ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатла-
рини таъминлаш борасидаги фаолиятимиз
яқинда қабул қилинган “Ёшларга оид дав-
лат сиёсати тўғрисида”ги қонун асосида
қатъий давом эттирилади.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бар-
ча ёшларимизни интиладиган, уларнинг қоби-
лият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва
манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган
ташкилотга айланиши учун барча чораларни
кўрамиз.

Азиз дўстлар!
Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаат-
ларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро

ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳи-
тидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз.
Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлиги-
миз ва уни қўз қорачиқдек саклаш ҳар би-
римизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу борада маҳалла идоралари, хотин-қиз-
лар, нурунийлар, ёшлар ташкилотларининг
ўрни ва ролини янада кучайтириш эътибор-
имиз марказида бўлади.

Айни вақтда ҳозирги мураккаб замон тинч-
осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкам-
лаш, халқимизнинг қафолатланган хавфсиз-
лигини таъминлаш масаласини янада дол-
зарб қилиб қўймоқда. Шу мақсадда биз
ҳозирги вақтда Ички ишлар вазирлиги тиз-
мини тубдан ўзгартириш чора-тадбирларини
кўрамиз.

Ўз пайтида мухтарам Юртбошимиз ички
ишлар органларининг энг қуйи тизимида
профилактика инспекторларини ташкил
қилган эдилар. Аммо бугун бу инспектор-
лар профилактика, яъни жиноятларнинг ол-
дини олиш билан шугулланмаяпти, аксин-
ча, содир бўлган жиноятларни рўйхатга
олиш, юқори идораларга ҳисобот ёзиш бил-
ан банд.

Шу сабабли бу масалага қарашимизни туб-
дан ўзгартириб, маҳалладаги участка нозир-
ларига самарали фаолият кўрсатиши учун
барча зарур иш ва турмуш шароитларини
яратиб берамиз.

Шунингдек, ҳар бир туман ҳокими ва ту-
ман ички ишлар бўлими раҳбарларининг
ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари ла-
возими жорий этилади. Бу раҳбарларнинг
асосий вазифаси маҳаллада участка инспек-
торлари билан ишлашни ташкил этишдан ибор-
атдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!
Мамлакатимизда инсон манфаатлари билан
боғлиқ масалаларни ҳал этишда биз-
нинг сайловли дастуридан жой олган,
ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган мақсадли
дастурлар муҳим ўрин тутаяди. Бу дастур-
лар одамларнинг турмуш даражаси ва си-
фатини янада кўтаришни таъминлашга қар-
атамиз.

Шу мақсадда мамлакатимиз Ҳукумати
Олий Мажлис Қонунийлик палатаси ва Се-
нати билан биргаликда ва жамоат ташкилот-
лари, нодавлат ташкилотлар иштирокида
2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ри-
вожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси-
ни ишлаб чиқмоқдамиз.

Ушбу стратегияда давлат қурилиши, суд-
ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш, иктисодий
эркинлаштириш ва ижтимоий соҳани
ривожлантириш, миллатлараро дўстлик ва
ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича энг
долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Азиз дўстлар!
Биз ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият-
имизни аввало халқимиз, Ватанимиз манфа-
атларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда
амалга оширамиз.

Бу сиёсатнинг асосини тинчликпарварлик,
бошқа давлатларнинг ички ишларига ара-
лашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қара-
ма-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл
билан ҳал этиш ташкил этади.

Биз бундан буён ҳам узқ-яқиндаги барча
хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти
билан самарали ҳамкорлигимизни давом эт-
тираемиз. Бу борада очик, дўстона ва праг-
матик сиёсат олиб бориш тамойилига содиқ
қоламиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шан-
хай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Дав-
латлар Ҳамдўстлиги, Ислам ҳамкорлик таш-
килоти ва бошқа халқро тузилмалар билан
фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бо-
риш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига
хизмат қилади.

Биз Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки,
Ислам тараққиёт банки, Халқро валюта
жамғармаси, бошқа халқро молия ва икти-
содий ташкилотлар билан амалий ҳамкор-
ликни янада ривожлантираемиз.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Давоми. Бошланғичи 1-бегда

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!
Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганингиз билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда ишончли галаба қозонганингиз Ўзбекистон халқи Сизга ишониши ва қўллаб-қувватлашидан далолатдир. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси бундан буён ҳам барқарор ва изчил ривожланишига ишонаман.

Сизнинг Президент этиб сайланганингиз Қирғизистон – Ўзбекистон муносабатларида янги саҳифа очиш ва мамлакатларимиз ўртасидаги амалий мулоқотни Қирғизистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамодий дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик руҳида изчил давом эттириш имкониятини янада кенгайтиради, деб умид қиламан.

Мухтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустақкам соғлиқ ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Хурмат билан,

Алмазбек АТАМБОЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президентини

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганингиз билан чин қалбидан самимий табриклайман.

Сизнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги фаолиятингиз давомида халқларимиз манфаати йўлида ўзаро алоқалар янада мустақкам-ланишига қатъий ишонаман.

Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши ва фаровонлиги, халқининг порлоқ келажаги йўлидаги фаолиятингизга улкан муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан,

Қобус бин САИД,
Ўмон Султони

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларини!

Сиз Жаноби Олийларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганингиздан бағоят мамнунман. Шу қувончли дақиқаларда Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман. Мен Ўзбекистон Республикаси Сизнинг бевосита раҳнамолигингизда янада улкан ютуқларни қўлга киритиши ва халқинингизнинг барча эзгу мақсадлари рўйга чиқишига ишонаман.

Бангладеш ва Ўзбекистон ўртасида самарали муносабатлар мавжудлигини мамнуният билан таъкидлайман. Келгусида Сизнинг буюк юртингиз билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёригимизни изҳор этаман. Мен халқларимиз манфаатлари йўлида Сиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини таъкидламоқчиман.

Сизга мустақкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига бар-давом тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Абдул ҲАМИД,
Бангладеш Халқ Республикаси Президентини

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларини!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман. ЕХХТ билан Ўзбекистон ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган ва Сизнинг раҳбарлигингизда ўзаро манфаатли ушбу муносабатларни янада ривожлантиришимизга ишонаман.

Бугун барчамиз хавфсизлик борасида қўллаб глобал таҳдидлар билан юзма-юз келаётганимизда ЕХХТ минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустақкамлаш йўлидаги ҳамкорлигимиз давом этишига ишонамиз. ЕХХТ Ўзбекистонда ўз принцип ва мажбуриятларини амалга ошириши давом эттиришга тайёр.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонга Президент сайловини кузатиш миссиясини амалга оширишга таклиф этилгани учун ўз миннатдорлигини билдиришга рухсат бергайсиз. Сиз ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан амалий ҳамкорликни давом эттиришингизга ишонаман.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва, умуман, ЕХХТ маконида тинчлик ва барқарорликни мустақкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётганини ва ташкилот фаолиятида янада фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу масалаларни Сиз билан муҳожама қилиш имконияти пайдо бўлишини кутиб қоламиз.

Жаноби Олийларини, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром билан,

Ламберто ЗАНЬЕР,
ЕХХТ Бош котибини

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустақкамлашга катта ҳисса қўшган, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ватандошларимиз давлат мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

«Ўзбекистон» анжуманлар саройида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

– Авваламбор, сиз, азизлар билан бугун мана шундай кўтаринки, самимий кайфиятда кўришиб турганимиздан ғоят хурсандман, – деди Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев. – Барчагизга қалбимда бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Мустақиллик йилларида юртимизда қўллаб яхши аъналар пайдо бўлди. Бугунги учрашувимиз ҳам айни шундай аъналарнинг давомидир. Бундай гўзал маросимларга Биринчи Президентимиз Ислон Каримов

асос солганини барчамиз яхши биламиз. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида бир гуруҳ юрдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Бугун сизларга давлатимизнинг ана шу фахрий унвонлари, орден ва медалларини топширишни ўзим учун катта шараф, деб бйгаймиз.

Биз мамлакатимизда эркин ва овоз, адолатли, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз. Шу борада одамларимизнинг халол меҳнатига ҳурмат билан қараш, уларнинг кадр-қимматини муносиб баҳолашни ўзимиз-

нинг бош мақсадимиз, деб биламиз.

Шу ўринда истиклол йилларида 29 минг 170 юрдошимиз давлат мукофотлари билан тақдирланганини айтиш лозим. Албатта, гап фақат мукофотларнинг сонидан эмас. Бу мукофотлар, аввало, Ватанимиз равнақига бекиёс ҳисса қўшиб келаётган минглаб юрдошларимизни муносиб тақдирлашга хизмат қилаётгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Шундай мухтарам инсонлар орасида Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари борлиги ҳаммаизни қувонтиради, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Бугунги хурсандчилик кунда омилкор дехкон ва фермерларимизга, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида тер тўкиб ишлаётган ишчи-мухандисларимизга, тинчлигимиз посбони бўлган ҳарбийларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Ватанимизнинг энг олий мукофоти – Ўзбекистон Қахрамони унвони билан тақдирланган фидойи муаллима Мухаббат Шароповани, мохир темир йўл қурувчиси Эркин Уматовни, уста дехкон, фермер Шарипбой

Ражабовни, машҳур шифокор Равшанбек Қурбоновни барчамиз чин қалбдан муबारакбод этамиз.

Миллий Олимпия кўмитаси раиси Мираброр Усмоновни юксак мукофот билан қутлаймиз.

Бугун умрини Алишер Навоий бобомиз ижодини ўғранишга бағишлаб келаётган Самарқанд давлат университети профессори Муслихиддин Мухиддиновга эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Шулар қаторида таниқли ижодкорлар Энахон Сиддиқова, Гулистон Аннақличева, театр санъатининг фидойилари Эркин Комилов, Гавҳар Зокирова, Ўзбекистон рус маданият марказининг фаол аъзоси Елена Шавердова, шунингдек, Станислав Югай, Гулбахор Аймуратова сингари юрдошларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мана шу қувончли айёмда Бразилияда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтарган Фаалиддин Ғойибназаров, Руслан Нуриддинов, Шаҳрам Ғиёсов, Хасанбой Дўсмаатов, Шаҳобиддин Зоиров, Бектемир Мелиқўзиев, Муроджон Ахмадалиев, Элмурат Тасмуратов каби мард ўғлонларимизга

яна бир бор раҳмат айтсак ўринли бўлади, албатта.

Ҳаммамизнинг тилагимиз, истагимиз битта: сизлар мана шундай юксак ғалабаларни қўлга киритишдан ҳеч қачон чарчаманг. Биз сизларга давлатимизнинг мана шундай мукофотларини топширишдан чарчамайлик.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Қахрамони Мухаббат Шаропова, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Эркин Комилов, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Энахон Сиддиқова, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси Гулистон Аннақличева, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Хасанбой Дўсмаатов, «Дўстлик» ордени соҳибаси Елена Шавердова ва бошқалар давлатимизнинг юксак мукофотлари уларга янада куч-ғайрат бағишлашини, Ватанимиз тараққиёти ва халқ хизмати йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундашини таъкидлади, юксак эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиздан миннатдор эканликларини билдирди.

ЎЗА

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қудратли давлат асосчиси, тинчлик, бунёдкорлик, барқарорлик ва фаровонлик ҳомийси, илм-фан, таълим, санъат, маънавият ва маърифат ривожига кенг йўл очган буюк давлат арбоби сифатида инсоният тарихида мангу қолади.

Мамлакатимизда мустақил тараққиёт даврининг янги босқичи бошланаётган шу кунларда халқимиз бу ҳақиқатни такрор ва такрор қалбидан ўтказмоқда.

Бу жиҳатлар Ўзбек Миллий академик драма театрида фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётган юрдошларимиздан бир гуруҳига давлатимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишлаб ўтказилган тадбирда яна бир қарра ўз исботини топди.

Тадбирда Биринчи Президентимиз Ислон Каримов халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий

аъналаримиз бардавонлигини таъминлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онг-шуурини ҳаёт тарзимида ёт роғлар таъсиридан ҳимоялаш, бу эзгу йўлда хизмат қилаётган инсонларни моддий ва маънавий рабатлантиришга улкан эътибор қаратгани, бу улғу ишлар бундан кейин ҳам катта ғайрат-шижоат билан изчил давом эттирилиши таъкидланди. Зеро, 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда халқимиз Биринчи Президентимиз илгари сурган роғларга содиқлигини, ўзаро аҳил, ҳамжихатлигини, улғу мақсадлар йўлида яқдил

ҳаракат қилишини ва улкан натижаларга эриша олишини яна бир бор намоён қилди.

– Мустақиллик арафасида ўзбек театрининг мавжуд салоҳиятини йўқотиб қўйиш хавфи юзага келган эди. Шунда давлатимиз театр санъатига алоҳида эътибор қаратди. Янги театрлар ташкил этилди, санъат даргоҳларининг бинолари тубдан таъмирланди, санъаткорлар меҳнати кадр топди, – дейди Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Зуҳра Ашурова. – Бу эътибор ва ғамхўрликка жавобан замон руҳидаги асарлар яратиш театр санъаткорларининг бурчидир.

– Бу йил Рио Олимпиадасида боксчиларимиз 3 олтин, 2 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, Куба, АҚШ, Буюк Британия, Россия каби бокс энг ривожланган давлат спортчиларини ортда қолдириб, дунёда биринчи ўринни эгаллагани халқимизга ғурур, эртанги кунга мустақкам ишонч ба-

ғишлади, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи Раҳматжон Рўзиохунов. – Бугун давлатимизнинг ушбу юксак мукофотини қўлимга оларканман, эзгу бир ниятимни айтмай: мамлакатимизда спорт ривожини, ёш авлоднинг ўз истеъод ва салоҳиятини намоён этиши учун бундан кейин янада кенг шароит ва имкониятлар яратилади. Насиб қилса, тўрт йилдан сўнг Токио Олимпиадасида ҳам Ватанимиз байроғини баланд кўтарганча ўзбек спортчилари куч-қудратга эга эканлигини жаҳонга яна бир қарра исботлаб бермоқчимиз.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов топширди.

У.ЎҚУБОВ,
ЎЗА мухбири

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЯНГИ УЙЛАР

Майор Акмал Йўлдошев оиласи билан Конституция байрамини янги, шинам хонадонда кутиб оладиган бўлди. Қутлуг айём арафасида унинг оиласига уч хонали уйнинг қалити топширилди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга кўп қаватли янги уйни топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси мудофая вазирининг ўринбосари Д.Муродов ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакат хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини, чегаралари-

миз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли вазибаларни самарали адо этишга, тинч ва осойишта хаётни ҳимоялашга қодир миллий армиямизни шакллантириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Энг яхши лойиҳалаштириш-қурилиш ташкилотларини жалб этган ҳолда ҳарбий хизматчилар учун махсус шахарчалар, турар жойлар барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турар-жой, маншый ва тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича кенг камровли ишлар бажарилмоқда. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини янада мустақкамлашнинг омили аввало ҳарбий хизматни ўташ учун муносиб шарт-шароитлар яратиш,

ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Кўп қаватли уй «Бағдод қарвон» масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари томонидан барпо этилди. МЧЖ директори Михаил Овқинининг таъкидлашича, бир, икки ва уч хоналардан иборат мазкур кўп қаватли уйни барпо этишда унинг муҳандислик-коммуникация тизимлари энг замонавий талабларга жавоб бериши, шовкинни ўтказмаслиги, иссиқликни сақлаши, сейсмордош-

лиги ва бошқа жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Уйнинг ён-атрофи ободонлаштирилиб, болалар, спорт майдончалари, дам олиш учун айвончалар ҳам қурилган. – Ойлам, фарзандларим шундай кенг, шинам уйда истикомат қилишдан ғоят мамнунман. Бу юксак эътиборга жавобан биз зиммамиздаги масъулиятли ва шарафли вазибаларни куч-ғайрат билан адо этиб, халқимиз ишончини оқлаймиз, – дейди майор Азиз Эгамназаров.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган сурат

Адолат фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолаверади

5 декабрь куни пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг дастлабки натижаларига бағишлаб брифинг ўтказилди.

Унда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг иштироки юзасидан баёнот берди.

— Мамлакатимиз фуқаролари яна бир тарихий воқеанинг бевосита иштирокчиси ва гувоҳи бўлдилар, — деди партия раҳбари. — Юрдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашдек муҳим сиёсий тадбирда фаол иштирок этиб, ўз конституцион ҳуқуқларини амалга оширдилар.

Штаби, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ҳудудий ҳамда туман ва шаҳар кенгашларида маҳаллий сайлов штаблари ташкил этилди. Мазкур штаблар сайлов кампаниясининг жойларда самарали ўтишини таъминлаш партия номзоди ва унинг сайловолди дастурларини сайловчилар орасида кенг тарғиб



ча Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган дастлабки натижаларга кўра, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод Наримон Умаровга 3,46 фоиз

мидан муборакбод этамиз. Ишонимизки, мамлакатимизнинг янги Президентини халқимиз фаровонлиги йўлида олдимизга қўйган дастурий мақсадларимизни амалга оширишда бизга ҳам камарбаста бўлади ва қўллаб-қувватлайди.

Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва Ватан равнақи йўлида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов бошлаган ислотларни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янада ривожлантириш ва халқро майдондаги нуфузимизни юксалтириш, халқимизнинг энг муҳим бойлиги саналган тинчлик, осойишталикнинг бардавонлигини таъминлашдек юксак ва машаққатли вазифаларни амалга оширишда Шавкат Миромонович Мирзиёевга улкан муваффақиятлар ҳамда мустахкам соғлик тилаймиз.

Шунингдек, шу куни партия Марказий сайлов штабида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов натижалари ва унда партиянинг иштирокига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Наримон Умаров партия фаоллари ва электротари вакиллари ҳамда сайловчилар олдида баёнот берди.



Сайлов куни шунга яна бир бор гувоҳ бўлдикки, фуқароларимизнинг сиёсий билим ва маданияти ўсиб, давлат раҳбарини сайлашдек муҳим тадбирга юқори даражадаги дахлдорлик ҳисси билан ёндашдилар. Буни сайловчилар рўйхатида олинган фуқароларнинг 87,73 фоизи сайловда иштирок этганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Зеро, ушбу кўрсаткич хатто дунёнинг энг демократик ривожланган давлатлари ҳам ҳавас қиладиган натижадир.

Президентлик сайлови ташкилий жиҳатдан юқори савияда, миллий ҳамда халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтказилди.

Айниқса, 2015 йилда миллий сайлов қонунчилигига киритилган янгиланишлар ўз самарасини бериб, сайловнинг янада демократик руҳда ўтиши шартин яратди. Яъни бу йилги Президент сайлови ҳам адолатлилик, очкилик, ошқоралик ва транспарентлик асосида бўлиб ўтгани мамлакатимизда демократик тамойиллар тўла қарор топгани ва қонун устуворлиги таъминланаётганини яна бир бор намоён қилди.

Қолаверса, халқимиз сайловолди ташвиқоти Президентликка номзодлар ва сиёсий партиялар ўртасида очик рақобат муҳитида ўтганига гувоҳ бўлишди.

Бу айниқса, ҳар бир сиёсий партия ўз номзодини тарғиб қилишда бир-биридан фарқ қилувчи замонавий шакл ва услублардан, сиёсий PR технологияларидан самарали фойдаланганига, оммавий ахборот воситаларида чиқишларида яққол намоён бўлди.

Сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига ҳам бошқа рақобатчилари қаторида қонунчиликда белгиланган барча ҳуқуқ ва ваколатлардан ҳамда тенг шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга бор куч ва имкониятларини сафарбар этди.

Жумладан, сайлов кампаниясини юқори савияда ўтказиш мақсадида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳузурида Марказий сайлов

штаби, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ҳудудий ҳамда туман ва шаҳар кенгашларида маҳаллий сайлов штаблари ташкил этилди. Мазкур штаблар сайлов кампаниясининг жойларда самарали ўтишини таъминлаш партия номзоди ва унинг сайловолди дастурларини сайловчилар орасида кенг тарғиб

қилишда таянч тузилмалар вазифасини ўтади. Сайлов куни партияимизнинг барча сайлов штаблари тўлиқ таркибда фаолият олиб борди. Ҳудудий ва маҳаллий сайлов штабларидан келган ахборот ва маълумотлар партиянинг Марказий штабида умумлаштирилиб, таҳлил этиб борилди.

Шунингдек, республика бўйича ташкил этилган барча сайлов участкаларининг ҳар бирида партия кузатувчилари овоз бериш жараёнларини кузатиб борди. Сайлов жараёнларида қонунбузилиш ҳолатлари бўйича партия Марказий штабига ва ҳудудий штабларга ҳеч қандай шикоят ёки мурожаатлар келиб тушмади.

Сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига ҳам бошқа рақобатчилари қаторида қонунчиликда белгиланган барча ҳуқуқ ва ваколатлардан ҳамда тенг шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга бор куч ва имкониятларини сафарбар этди.

этироф этамиз ва халқимизнинг танловини ҳурмат қиламиз, — дея алоҳида қайд этди Наримон Умаров. — Ушбу сайлов яна бир бор партияимиз учун мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнини мустахкам

— Бугун сайловга яқун ясаган ҳолда ушбу муҳим сиёсий тадбирда муносиб иштирок этиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар билан ўзаро рақобатга киришиш, электротартибимиз манфаатларини ифода этишда фаол иштирок этганингиз учун сизлар ва сизлар орқали партияимизнинг қўлимиз сонли аъзолари ва хайрихоҳларига, сайловда бизга ишонч билдирган сайловчиларга раҳмат айтаман, — деди партия етакчиси. — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланган 9 сентябрдан партияимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар партия ташкилотларидан тортиб қўйи бугунгиларимиздаги фаолларимиз сай-

лов кампаниясининг барча босқичларида фаол иштирок этишди. Хусусан, сайловолди ташвиқоти даврида бизнинг жойлардаги учрашувларимизни юқори савияда ташкиллаштиришда ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда, сайловолди дастуриимизни тарғиб қилишда, айниқса, депутатларимиз ва ҳудудий кенгашларимиз раҳбарлари алоҳида фаоллик кўрсатишди. Шу билан бирга, ишончли вакилларимиз ҳам ўз ҳудудларида меҳнат жамоалари, маҳаллаларда ва аҳолининг кенг қатлами орасида учрашувлар ўтказиб, сайловолди дастуриимизнинг устувор йўналишларини ва мазмун-моҳиятини чуқур тарғиб қилишда фидойилик кўрсатишди. Қолаверса, партияимизнинг фаол ёшлари ва хотин-қизлардан иборат тарғибчилар гуруҳлари ҳам сайловолди ташвиқоти ишларида алоҳида фаоллик кўрсатишди.

Сайловолди ташвиқоти даврида айниқса, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилди. Жумладан, марказий, маҳаллий ва нодавлат телерадиоканалларда жойлаштирилган тарғибот роликларидан ташқари, яна 350 дан ортик кўрсатув, ахборот, ток-шоу ва дебатларда чиқишлар қилинди. Республика миқёсидаги босма нашрларда эса жами 500 га яқин мақолалар чоп этилди. Шу билан бирга, партия расмий веб-сайти www.adolat.uz да 200 дан зиёд, бошқа интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда ҳам 500 дан ортик материаллар жойлаштирилди.


Сайловнинг дастлабки натижаларига кўра партия номзодини ёқлаб 619 972 нафар сайловчи овоз берди. Бу 2015 йилги Президент сайловида партия номзоди олган овозлар сонидан қариб икки баробарга кўп деганидир. Бундан кўриниб турибдики, партиянинг халқимиз орасида танил-дунгунлиги ошиб бормоқда. Демак, ушбу сайловда йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқарилса, бундан кейинги сайловларда янада юқорилик натижаларга эришиш мумкин.

— Мазкур сайловда мағлуб бўлган бўлсак-да, бизга овоз берган сайловчиларнинг ишончини оқлаш, қолаверса, партияимизнинг қўлимиз сонли аъзолари ҳамда хайрихоҳларимизнинг манфаатларини химоя қилишда давом этамиз, — дея алоҳида таъкидлади Н.Умаров. — Сайловолди дастуриимизда илгари сурилган ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етуқ адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларимизни амалга ошириш учун бизда қонуний механизм мавжуд ва ундан тўла фойдаланиб, сайловчиларга берган ваъдаларимиз устидан чиқишга ҳаракат қиламиз. Яъни қонунда белгиланган ваколатлардан унумли фойдаланган ҳолда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз ҳамда маҳаллий вакилик органларидаги депутатлик корпусларимиз орқали олдимизга қўйган мақсадларимиз ижроси йўлида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз. Демак, бундан кейинги сайёҳаракатларимизда ҳам сизларга таянамиз. Чунончи, адолат ҳар бир ишда дастуриимиз ва ҳамроҳимиз бўлиб қолади.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари қонуний ваколат ва имкониятларидан фойдаланиб, аҳоли манфаатларини рўёбга чиқариш, вилоят марказини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида самарали фаолият олиб боришмоқда.

Фаоллик — муҳим мезон



Хар бир депутат фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга, мавжуд ижтимоий масалаларни хал этишга, маҳаллаларнинг инфратузилмасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратайти.

Жумладан, шаҳардаги "Наврўз" маҳалласида истиқомат қилаётган сайловчиларнинг маҳалладаги ички йўллар таъмиртаълиғи пиёдалар ва транспорт қатнови учун муаммолар пайдо қилаётгани ҳақида депутат Тохир Полвоновга ўз фикрларини билдиришди. Депутатлик гуруҳи аъзоси Т.Полвоновнинг "Хоразм автотўли" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти раҳбари номига киритган депутатлик сўровига асосан ушбу маҳалладаги "Навбахор" кўчасининг 1,5 километр узунликдаги қисми капитал таъмирланди. "Наврўз" маҳалласининг "Қорақум" кўчасидаги ичимлик суви қувурларининг зарур қисмларида олиб борилган таъмирлаш ишлари ҳам депутатнинг ташаббуси билан амалга ошди. Т.Полвоновнинг ташаббуси билан ушбу масала "Тўғамўйин — Урганч" минтақаларо сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан 2016 йилги манзилли дастурга киритилган эди. Айни пайтда "Қорақум", "Нурли ҳаёт" кўчаларининг 400 метр, "Ободончи" кўчасининг 1 километр узунликдаги қисмларида сув қувурлари ётқизирилиб, маҳалла аҳли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Доно Олимовнинг сайловчилар билан учрашувида фуқаролар "Ашхабад" маҳалли фуқаролар йиғини учун янги оғиб барто этишга эҳтиёж борлигини айтиб, ўз таклифларини баён этишган эди. Бу асосли таклиф юзасида Д.Олимовнинг шаҳар ҳокими номига киритган депутатлик сўрови эътиборга олинди. Шаҳар ҳокимининг тегишли қарорига асосан шу мақсадда маҳалла ҳудудидан ер ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу янги бинони 2017 йилнинг биринчи чорагида қуриб битказиш ва фойдаланишга тошириш режалаштирилган. Шунингдек, сайловчиларнинг маҳалладаги ички йўлларнинг таъмиртаълиғи ҳақидаги мурожаати асосида депутатнинг ташаббуси билан "Ашхабад" маҳалласидаги 1,5 километр узунликдаги йўл мутасадди ташкилотлар томонидан капитал таъмирланди. Мазкур маҳаллада истиқомат қилаётган фуқароларнинг шаҳар марказига келиб кетишлари учун транспорт масаласи ҳам ўз ечимини топди. Жонқуяр депутатнинг сайёҳаракатлари натижасида маҳалла билан шаҳар марказидаги "Дехқон бозори" йўналишида "ISUZU" русумли автобус қатнови йўлга қўйилиб, айни пайтда маҳалла аҳли ва бошқа йўловчиларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида яхшигина тажриба орттирган депутат Д.Олимова айни пайтда "Ашхабад" маҳалласидан шаҳар марказига ўтиладиган 300 метр масофадаги темир йўл устидан ўтиш йўлига устига химоя воситаси (соёбан) ўрнатиш масаласига эътибор қаратмоқда. Депутатнинг таъкидлашича, бу хайрли ишнинг амалга ошириш учун йўлақдан фойдаланувчи ёшу кекса йўловчиларга хар фаслда ҳам қулайлик яратиш деганидир.

Мансурбек Болтаев ҳам депутатлик гуруҳининг фаол аъзоларидан саналади. Унинг сайёҳаракатлари билан "Феруз" маҳалласида истиқомат қилаётган фуқароларнинг мурожаатига асосан, "Ағробчи" АТБнинг Хоразм вилоят бошқармаси ҳудудий филиали ҳамкорлигида ибратли ишлар қилинди. Хусусан, маҳаллада жойлашган 46-а кўп қаватли турар жойнинг томи 17 миллион сўмлик маблағ эвазига таъмирланди. 26, 23, 27-кўп қаватли уйларнинг олди 40 миллион сўмлик асфальт тўшалиб, обод этилди. 59, 23, 26, 27-кўп қаватли уйларнинг ички коммуникация тизимлари 30 миллион сўмлик ҳажмда жорий таъмирланди. Бир сўз билан айтганда, кўп қаватли уйлар кўркамлашиб, маҳалла янада обод бўлиб бормоқда.

Партияимизнинг Сайловолди дастурида бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари социал-демократиянинг асосий қояларини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши таъкидланган. Партия депутатлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга ўз фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида қарайдилар.

"Феруз" маҳалласида 6 нафар илчи билан ўз фаолиятини бошлаган "Миллий тикувчилик" оилавий корхонасига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди, бу хайрли иш депутат М.Болтаевнинг банк муассасалари билан ҳамкорлигида амалга ошди. Корхонада ишчилар сони кўпаймоқда, бу ерда имконияти чекланган хотин-қизларнинг ҳам бақдлиги таъминланган, ўнлаб хотин-қизларга тикувчилик сирлари ўргатилган.

Шу билан бирга, депутатлик гуруҳи аъзолари жойларда партияимизнинг дастурий қояларини кенг тарғиб қилиб, аҳоли ўртасида тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказишмоқда.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот қотиби

Маслакдошлар сафи кенгаймоқда

➤ БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон шаҳар кенгашида бугунги кунда 20 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларнинг 8 таси тиббиёт муассасаларида тузилган. Бу ўз-ўзидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтириш улар фаолиятида кенг ўрин эгаллашини кўрсатади.

Жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонаси қошидаги БПТ шаҳар партия кенгаши фаолиятини жонлантириш, айниқса, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлашда фаол иш олиб бораётган таянч тузилмалардан бири саналади. Бошланғич партия ташкилоти таркибига ёш сафдошларимиз кўпчиликини ташкил этади. Куйи бўлин фаоллари партиявий ишлар билан бирга ўзлари ташаббус кўрсатиб турли янги лойиҳаларни рўйб-га чикармоқдалар. "Мустақиллик менинг тақдиримда", "Жамият ва мен", "Менинг юртим", "Ватан келажиги ёшлар қўлида" каби мавзуларда жойларда ўтказилган кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари ва спорт мусобақалари худудда партияимиз нояларини тарғиб этиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

— Яқинда сафимизга 16 нафар янги аъзо қўшилди, — дейди шифокор, БПТ раиси Акмалжон Тожибоев. — Бу фаолиятимиз самарадорлигининг янада ошиши, имкониятларимиз кенгайиши ва кенг жамоатчилик орасига кириб боришига йўл очади. Конституция-мизнинг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, Бош қомусимиз қабул қилинганининг 24 йиллиги байрами муносабати билан "Саломатлик ва ҳуқуқ" шиори остида акция ташкил этилди. Тадбирдан қўзланган асосий мақсадимиз аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, ўз саломатликларига эътиборли бўлишга ундашга қаратилди. Ўқув муассасалари ва ўзини ўзи бошқариш органларида давра суҳбатлари ташкил этилди. "Ёш адолатчилар" қаноти билан биргаликда буклетлар тайёрланди, тиббий текширувларда бирор



касалликка чалинган аниқланган йигит-қизларга керакли тавсиялар берилди. Ёшларни диний экстремизм ва ғиёҳвандлик каби иллатлар таъсирдан сақлаш ҳам партиядошларимизнинг доимий эътиборида. Айни шу мавзуда ҳаваскор талабалар театри ижодкорлари тайёрлаган сахна кўринишлари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Бошланғич партия ташкилотининг маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликдаги ташаббуслари ҳам ибратли бўлмоқда. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши де-

путати Шохидохон Валиева-нинг айтишича, маҳаллаларда БПТ билан биргаликда ёшларнинг иш билан бандлик масаласи ўрганилди. Мавжуд бўлиши ўринларига 20 дан ортиқ йигит-қизлар ишга жойлаштирилди. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, таълимга жалб этиш борасидаги ташаббуслар ҳам ижобий натижа бермоқда.

Акбаржон НАЗАРОВ, "Адолат" мухбири

➤ ҚАДРИЯТ

Инсон қадрини улуғлаган азалий қадриятларимиз бугунги кунда аниқ сақал топиб, юртдошларимизнинг маънавиятида, ҳаёт тарзимизда мустаҳкам урин олгани бежиз эмас. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан анъанавий тарзда давом этиб келаётган "Эъзоз ва эътибор" лойиҳаси доирасида ҳам тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Эъзоз ва Эътибор



Урганч шаҳар партия кенгаши, Ўзбекистон "VETERAN" жангчи-фахрийлар ва ногиронлари бирлашмаси вилоят бўлими, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Хоразм вилоят филиали, Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими ҳамкорлигидаги "Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак" мавзусида навбатдаги тадбир ўтказилди. Унда мазкур ташкилотлар вакиллари, партия фаоллари, маҳаллалар етакчилари, Урганч шаҳар партия кенгашининг "Аёллар қаноти", "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари қатнашдилар.

Иштирокчилар Урганч шаҳридаги "Байналмилалчи", "Юкори бог", "К.Отаниёзов", "Темирйўлчи" маҳаллаларида истиқомат қилаётган ногирон жангчи-фахрийларнинг хонадонларига боришди, уларнинг кўнглини кўтариб, ҳолидан хабар олишди. Жумладан, тадбир қатнашчилари Давронбек Юсупов, Қуранбой Аллаберганов, Зокир Матякубов, Ойбек Ражапов, Бахтиёр Нуруллаев ва бошқаларнинг хонадонларида бўлиб, улар билан дилдан суҳбатлашдилар. Жангчи-фахрийлар ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, бир-бирини доимо йўқлаб туриш, саховатлилик фазилатлари халқимизга хос юксак қадриятлардан эканини таъкидлаб, тинч-осойишта ҳаётимиздан шукроналик ҳисси билан, барчанинг меҳр ва эътиборидан мамун бўлиб умргузаронлик қилаётганини айтишди.

Конституцияимизнинг 24 йиллиги байрами арафасида ўтказилган мазкур тадбирларда иштирокчилар жангчи-фахрийларни байрам билан қутлашди, уларга ҳомийларнинг байрам совғалари тақдим қилинди.

Рустам БОЛТАЕВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Урганч шаҳар кенгаши раиси

Миллат маънавиятининг ифодаси

➤ 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Термиз шаҳридаги кўп тармоқли марказий поликлиникада Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан "Она ва болага ғамхўрлик миллат маънавияти ва маданияти белгисидир" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Партияимизнинг "Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак" лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда партия фаоллари, тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда кўп тармоқли марказий поликлиника бош шифокори ўринбосари Малика Йўлдошева "Истиқлол йилларида она ва бола саломатлигига қаратилган юксак эътибор" мавзусида сўз юритиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Шу билан бирга, туғиш ёшидаги аёлларни оналикка тайёрлаш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, аёлларнинг тиббий маслаҳатхоналари фаолияти юзасидан фикр-мулоҳаза билдириб, бу борада қилиниши зарур бўлган ишларга йиғилганлар эътиборини қаратди.

Соғлом она ва бола йилида юртимизда хотин-қизлар саломатлигини асраб-авайлаш, фарзандларимизни жисмонан ва маънан соғлом қилиб вояга етказиш борасида-

ги кенг қамровли ишлар янги босқичга кўтарилди. Тиббиёт муассасалари, хусусан, кишлоқ врачлик пунктлари, туғуруқхоналарнинг моддий-техник таъминоти янада яхшиланиб, жумладан, чекка қишлоқларда ҳам аҳолига замонавий технологиялар ёрдамида малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Иштирокчиларнинг таъкидлашича, она ва болага ғамхўрлик миллат маънавияти ва маданиятининг белгиси ҳам саналади. Оилада, маҳаллада фарзандлар соғлиғи, маънавиятига эътиборли бўлишимизда

болажон халқимизнинг азалий қадриятлари ҳам бизга ибрат бўлиб, бугунги кунда бу қадриятлар янгича маъна-мазмун билан бойиб бормоқда.

Партия фаоллари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловдиди дастурида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, жумладан,



скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий такомиллаштириб боришга доир вазифалар белгилангани, электоратимизнинг асосий қисмини ташкил этувчи тиббиёт ходимлари ушбу вазифалар ижросини таъминлашда фаол қатнашаётганини қайд этишди.

Тадбирда мазкур йўналишдаги галдаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

Мақсуд Тўраев, Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Партия Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилади.

(Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловдиди дастуридан)

Экологик-ахлоқий қадриятлар

шаклланиши муҳим аҳамиятга эга

ТОЗА ТАБИАТ — СОҒ КЕЛАЖАК УЧУН

Фалсафий адабиётларда ахлоқнинг сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий онг шакллари билан боғлиқлиги кенг ёритилган. Лекин унинг табиий муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилишдаги аҳамияти етарлича тадқиқ этилмаган. Ваҳоланки, табиат ва инсон ҳаёти бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда кечади. Инсон тақдирини ҳақиқатда сўз борса, табиат, табиат ва атроф-муҳит ҳақиқатда сўз юритилса, инсон қисмати англашилади. Яъни инсон табиат бойликларидан фойдаланмасдан ва унга меҳр-муҳаббат кўрсатмасдан яшай олмаслиги аён бўлади. Шу боис экология соҳасида инсоннинг табиатга муносабатларини, бу борадаги ахлоқий қадриятларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Пешку туман кенгаши томонидан "Афсона" кишлоғидаги умумтаълим мактабида "Экологик масъулиятни шакллантириш ва ривожлантиришда экологик ахлоқнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Партияимизнинг "Тоza табиат — соғ келажак учун" лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда кишлоқ ахли, партия фаоллари, Афсона тиббиёт коллежи ўқитувчилари, эколог-мутахассислар, Бухоро вилояти Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари ва ёшлар иштирок этишди.

Экологик фаолиятни таъминлайдиган универсал ахлоқий нормалар ва тамойиллар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий тараккиёт даражаларига мос равишда ривожланиб, турли хил кўринишларда намоён бўлади. Тадбирда сўзга чиққанлар ана шу масалаларга тўхталиб, "Инсон — табиат — жамият" муносабатлари ахлоқий нормаларга асосланганини айтиб ўтишди.



— "Инсон — табиат — жамият" муносабатлари муқаррар равишда ахлоқий муносабатларга асосланган. Чунки бу муносабатнинг асоси табиат — жамиятнинг яшаш шартли бўлса, инсон биологик организм сифатида табиат эволюцион ривожланишининг махсули ва унинг ажралмас таркибий қисмидир, — дейди эколог-мутахассис Зулфия Ғевонова. — Шу нуқтаи назардан, табиатга нисбатан бўлган муносабат бир вақтинчи ўзида инсониятга бўлган муносабат ҳам саналади. Ҳозирги кунга келиб, экологик ахлоқий нормалар янгича шаклланиб, табиатга муносабатнинг янги ахлоқий мезонлари таркиб топмоқда. Табиат муҳофазаси фаолиятини ахлоқий мезонлар асосида баҳолашнинг ҳаракатлантирувчи мотиви экологик қадрият саналади. Экологик-ахлоқий қадриятлар жамиятнинг умуминсоний тамойили, нормалари, қонунқоидалари ва идеаллари тарзида намоён бўлиб, табиат муҳофазасида субъектнинг амалий фаолиятини мақсадга мувофиқ йўналтирувчи омилдир.

Жамиятда экологик ва ахлоқий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш табиий бойликлардан фойдаланишни оқилона ташкил қилишнинг шартли ҳисобланади. Бунда экологик фаолиятни бошқариш билан боғлиқ умуминсоний қадрият нормалари, қонуний талаблари, мезонлари, тамойиллари мазмунига қўра бир-бирига боғлиқ. Давра суҳбатида ана шу масалалар хусусида ҳам сўз юритилди.

— Ҳар қандай жамият маълум маънода барқарор тараккиётга, келажак авлодларнинг яшашига путур етказадиган экологик салбий оқибатлардан, бузилишлардан воз кечиш, ҳозир яшаётган инсонларнинг эътиёжларига келажак авлодлар манфаатларини қурбон қилишни таққилолчи ижтимоий-иқтисодий, маъмурий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий нормалар мажмуисини вужудга келтириши, — дейди вилоят Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходими Дилноза Сафарова. — Экологик фаолиятни ахлоқий нормаларга асосан бошқариш, шахс ва бошқа ижтимоий бирликларнинг табиатни муҳофаза қилишдаги амалий хатти-ҳаракатларини умуминсоний экологик стандартларга мувофиқлаштиришдан иборат. Шунингдек, экологик-ахлоқий нормаларни тарихий ворислик тамойиллари асосида ривожлантириш орқали умуммиллий экологик қадриятлар моделини яратиш мумкин.

Тадбир давомида барча иштирокчиларнинг экологик маданияти, унга бўлган масъулиятни ҳис этиб яшаш, ривожлантиришда экологик ахлоқнинг ўрни тўғрисидаги мулоҳазалари умумлаштирилди. Давра суҳбати сўнггида экологик ахлоқ нормалари бузилиши натижасида юзага келадиган салбий ҳолатлар ва воқеа-ҳодисалар акс эттирилган видеолар намоиши этилди.

Мақсуд Тўраев, Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Сурхондарё вилояти маркази Термиздан Фарб томонга 5-6 километр юрсангиз, марказий трассадан кейин икки томони арчозор билан қопланган йўл орқали атрофи қадимий қалъаларга монанд девор билан ўралган, маҳобатли дарвозали кўркам масканга кириб борасиз. Дов-дарахтлар соя-салқин ташлаган, кўкаламзор, атрофда анвоий гуллар барқ уриб очилиб ётган, эртақлардаги бўстонни эслатувчи бу жой Термизнинг 25 асрлик тарихдан гувоҳлик берувчи эски шаҳар ўрни ҳисобланади.

Ўтмишда шаҳри Фулдула, Тарамастха, Тармига, Окс Искандарияси, Тармид, Та-ми, Термиз каби номлар билан аталган, “Мадинат ул-риқол” (“Мардлар шаҳри”), Шаҳри Хайбар, Зунубод сингари сифатлар билан улуғланган шаҳарга айнан шу ерда асос солинган. Табиийки, нихоятда катта ҳудуддан иборат Термиз шаҳрида 2500 йиллик тарихи давомида кўплаб иншоотлар — бактрийлар қалъалари, буддавийлик ибодатхоналари, кушлар подшоҳлари қасрлари, термизшоҳлар саройлари, масжидлар, мадрасалар, миноралар, карвонсаройлар, бозорлар ва бошқа иморатлар ҳам шу жойларда қад ростилагани тарихий ҳақиқат. Афсуски, эндиликда қадимий шаҳар ҳудудида Аму бўйидаги Термиз шаҳристонининг бир қисми, шаҳар харобалари ўрни, ер ости ёрларидан айримлари, Султон Саодат,

бошқа асарлари Лейпциг, Берлин, Париж, Анкара, Лондон, Готтинген, Дамашқ, Рим, Штутгарт, Тошкент ҳамда бошқа кўплаб шаҳарларда сақланмоқда. Аллома ўз даврида халқ орасида ҳақимлик унвонидан ташқари муҳаддис, хофиз, зоҳид, имом, муаззин, саййид, хожа, ориф, шайх, вали сингари улуғвор нисбатлар билан ҳам сийланган. Бу ҳам алломанинг илм-фан оламида гоёт етук мутафаккир даражасига эришганлигини кўрсатади.

Аллома асарларида илми юксак даражада улуғлайди. Уни ҳаётни, дунёни, Яратгани идрок қилиш, англашнинг асоси деб қарайди. Унинг “Китоб баён ал-илм”, “Илм ал-авлиё”, “Ал-илм”, “Китоб ал-хуқук”, “Китоб ал-ҳикма илм ал-ботин”, “Табокат ус-сўфия” каби асарларида илмнинг назарий асослари ва бу бора-



археологик қазиниш ишларини олиб борган академик Михаил Массон “Хаким ат-Термизийнинг яшаган ҳужраси макбара ўрнида бўлган, у вафот этганидан кейин васиятига кўра ҳужрасига дафн этилган”, деган фикри билдирган. Археологик қазиниш ишлари натижасида, ҳақиқатан ҳам, макбара ўрнида уй бўлганлиги аниқланган. Уйнинг пойдевори макбара деворлари тагида қолиб кетган. Муаррихлардан айримлари алломанинг қабри, макбараси Термиз шаҳри робод қисмида

Пештоқлар бузилади, хонақоҳ, масжид ва макбаранинг ички қисмидаги нақшлар, безаклар, ёзувларнинг айрим ўринлари ўчиб кетади. Тарихий иморатларнинг баъзи жойлари эътиборсизликлар, таъмирлаш ишлари тўғри олиб борилмагани сабабли вайрона ҳолатга тушади. Кўп асрлар давомида табаррук зиёратгоҳ сифатида эъзозланиб келинган бу қадамжо собиқ шўролар даврида руҳсатномасиз киритилмайдиган масканга айланади.

— Хаким ат-Термизий макбара мажмуасини қайта қуриш, таъмирлаш ишлари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин бошланди, — дейди тарихчи Исмонил Ботиров. — Бу борада республикамиз Биринчи Президентининг юртимиз тарихини ҳолислик билан ўрганиш, ҳақоний ёритиш, ўлкамиз ҳудудларидаги халқимиз томонидан бунёд этилган қадимий ёдгорликларни, табаррук зиёратгоҳларни асл ҳолида тиклаб, обод масканларга айлантириш хусусидаги кўрсатмалари дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Бу ерда дастлабки таъмирлаш ишлари 1997 йилда амалга оширилди. Макбара атрофида тўла равишда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ёдгорликнинг бузилган, шикаст етган жойлари қайта қурилди. Мажмуа яқинидаги қабрлар асл ҳолида тикланди. Термизийлар нисбаси билан машҳур бўлган алломалар ном-

фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси усталари томонидан асл тарихий кўринишига монанд қайта қуриш, тўла равишда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Макбара атрофи кенгайтирилди. Иншоотларнинг тарихий қиёфаси тикланди. Макбара, масжид, хонақоҳнинг ички безаклари, нақшлари, ёзувлари аслидагидек яратилди. Бу ерда Юртбошимиз ташаббуси билан яна бир хайрли иш амалга оширилди. Макбарадаги аллома қабри устидаги Халил Султон даврида қўйилган қабртошнинг бир қисми дарз кетганлиги сабабли у олиниб, худди олдингисига монанд тарзда нақш-нигорлари, ёзувлари сангтарошлик асосида ишланган янги қабртош қўйилди. Булардан ташқари, мажмуа баррида замонавий ва тарихий кўринишдаги янги бино қурилиб, у “Термиз ва термизийлар мероси тарих музейи”га айлантирилди. Музейда Термиз шаҳрининг тарихига оид нобъ экспонатлар билан бирга термизий алломалар ва Хаким ат-Термизийнинг ҳаёти, фаолиятига оид ашёлар ҳам қўйилган. Улар тарихнинг нодир бойликлари ҳисобланади.

— Бу ердаги улуғвор ишлардан яна бири Термизнинг қадимий шаҳристонини деворининг мажмуа билан боғлиқ қисмининг таъмирдан чиқарилиши бўлди, — дейди Термиз давлат университети доценти Зокир Ҳолиқов. — Бу девор ўрни эътиборсиз ётарди. Энди у тикланди. Тарихий ҳақиқат юз очди. Бугунги авлод қалбида Термизнинг қадимий қалъаси ҳақидаги тасаввур пайдо бўладиган бўлди. Бу ҳам улуғ алломага эҳтиромнинг натижаси сифатида юзага келди. Мажмуа ҳақиқий тарих масканига айланади.

Аллома макбара мажмуасида кенг қўламдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, уни яхлит тарихий масканга ва табаррук зиёратгоҳга айлантириш ишлари 2008-2010 йилларда амалга оширилди. Биринчи Президентимиз ташаббуси ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик темир йўл компанияси ҳомийлигида катта ҳажмда реконструкция ишлари бажарилди. Зиёратгоҳ мажмуанинг умумий майдони 10 гектарга кенгайтирилди. Мажмуа атрофи девор билан ўраб олинди. Кириш қисмига қадимий асосда ишланган дарвоза ўрнатилди. Зиёратгоҳдаги ёдгорликлар,



Қирқиз, Зўрмола минораси, Фаётепа буддавийлик ибодатхонаси каби тарихий ёдгорликлар давр талотумларидан ўтиб, бутунги кунгача сақланиб қолган, ҳолос.

Ана шундай сақланиб қолган тарихий ёдгорликлар орасида Хаким ат-Термизий макбараси қадимий нобъ обидалардан бири саналади. Бу макбаранинг XI асрлик тақдирини қадимий Термизнинг тарихи билан узвий боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам юқорида таърифнинг келтирилганимиз гўзал маскан гарчи Термизнинг қадимий шаҳристонини ўрни бўлса ҳам, Хаким ат-Термизий макбараси жойлашган муқаддас зиёратгоҳ деб эътироф этилади. Хўш, буюк аллома сифатида улуғланган Хаким ат-Термизий ҳаётида қандай ишларни амалга оширган? Ундан қандай асарлар халқимизга мерос бўлиб қолган? Макбараси асарлар оша ҳурмат-эҳтиром билан эъзозланиши, қайта қурилиб, таъмирланиши, авлодлар қадами узилмайдиган зиёратгоҳга айлантирилиши сабаблари нимада?

Тарихий манбаларда ёзилганча, Хаким ат-Термизийнинг тўлиқ исми-шарифи Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн ал-Хасан ибн Башир ибн Хорун ал-Хаким ат-Термизий деб келтирилган. Бу ўрнида Абу Абдуллох унинг куняси ҳисобланади. Муҳаммад исми, Али эса отасининг номи бўлган. Хасан, Башир, Хорун боболарининг номлари дейилади. Хаким алломага берилган унвон. Бу унвон одатда табобат илми вақилларига берилган. Лекин Хаким ат-Термизий “Тахсил назоир ал-Қуръон” асарида бу сўзга “ҳаким — илмининг ички томонини тунушувчи”, деб изоҳ беради. Демак, бу ўрнида ушбу номи унинг алломалигига берилган унвон дейиш мумкин. Термизий эса унинг тувилган ва яшаган жойига нисбатдир. Хаким ат-Термизийнинг тувилган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Лекин унинг XV асрда кўчирилган “Наводир ал-усул” асарида ва қабр тошида алломанинг вафоти санаи ҳижрий 255 (милодий 869) йил деб кўрсатилган. Агар Хаким ат-Термизий “Наврунома” асарида ўзининг 120 йил умр кўрганлиги ҳақидаги фикри инобатга олинганда бўлса, унинг таваллуд санаи 749 йил бўлиб чиқади. Аммо кейинги йилларда аллома ҳаёти ва фаолияти борасида тадиқот олиб борган қадимшунос олимлар бу борада ҳар хил фикрлар билдирмоқдалар. Бир гуруҳ олимлар, уларнинг аксарияти европалик ва америкалик шарқшунослар Хаким ат-Термизий 700-йиллар охиридан 900-йилларгача ҳаёт кечирган дейишса, иккинчи гуруҳ тарихчилар аллома 800-йиллар бошидан 900-йиллар бошигача яшаб ўтганлигини эътироф этмоқдалар.

— Бу маълумотлар унинг ҳақиқатан ҳам VIII аср иккинчи ярмидан IX аср охиригача қадар яшаб ўтганлигини кўрсатади, — дейди шарқшунос олим Убайдулла Уватов. — Узоқ умр кўрган аллома ҳаёти давомида илм талабиде Балх, Басра, Марв, Нишопур, Рай, Ҳамадон, Самарра, Куфа, Бағдод, Мадина, Макка каби шаҳарларда бўлади. Қўлаб муҳаддислар, муфассирлар, фикшшунослар, сўфийлар, зоҳидлар билан танишади. Устозларидан кўп нарсалар ўрганади, юзлаб шогирдлар тарбиялаб етиштиради.

Манбаларда Хаким ат-Термизийнинг 400 дан ошми асарлар ёзганлиги, бу асарлар дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларига бағишланганлиги хусусида маълумотлар берилган. Яна шу асарларнинг 50 дан ошми бугунги кунларгача етиб келган. Шулар орасида “Адаб ан-нафас” (“Нафс одобин”), “Ал-амсал” (“Масалалар”), “Арш ал-муваҳхидин” (“Ягоналик чўққиси”), “Ал-фурук” (“Фарқлар”), “Ғавр ал-умур” (“Умр сўмоқлари”), “Ал-хуқук” (“Хуқуқлар”), “Маърифат ал-асроф” (“Билиш сирлари”), “Ал-масоил ал-афана” (“Фан масалалари”), “Сифат ал-қулуб” (“Қалблар сифати”), “Табокат ус-сўфия” (“Сўфийлар табақаси”), “Тадфир” (“Шарҳ”), “Тарих ал-машойих” (“Шайхлар тарихи”) ва

да сўфийларнинг тутган ўрни очиб берилган. “Китоб ал-хуқук” асарида Хаким ат-Термизий илмга бундай таъриф беради: “Илм бу нурдир. Инсонлар Аллох таоло олдида қанчалик масъулият ҳис этса, шунчалик маърифатга эга бўлади. Инсон қалби ёвузликдан қанчалик тозаланса, илм янада мукамал бўлади ва нур таратади”. Аллома илмнинг ҳаётдаги ўрнини белгилашда шу билан чеklangиб қолмайди. Бу борада ўз фикрларини янада чуқурлаштириб шундай деб ёзади: “Аллох эса, энг аввало, илмини яратган. Илмдан эса донишмандлик (ҳикмат)ни вужудга келтирган. Донишмандликдан бўлса адолат (адл)ни ва ҳаққ (ҳақиқат)ни пайдо қилган”. Бундай қараш ўша давр учун чинакам фикрий қашшофлик, янгиланиш эди.

Бугунги замон тадиқотчилари аллома асарларини, меросини ўрганар эканлар, унинг ўз даврида “Хакимия” деб аталган сўфийлик тариқатига асос солганлигини, бу тариқатда “нур — илм, илм эса нурдир” деган ақида асос бўлганлигини эътироф этадилар. Аллома асарларидан бирида “Хар қандай ҳақиқий маънавий дунёни билиш ёки мушоҳада этиш, янада аниқроғи, ботиний дунёқараш табиатдан нур сифатида қаралади. Нурнинг инсон қалбига

бўлган, деб ёзганлар. Бу борада ҳам кейинги йилларда бу тарихий маълумотта аниқлик киритилди. Ўрта асрлар муаррихи Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад Жайхоний “VIII асрдан кейин Термиз шаҳри шаҳристон, кўхандиз ва рободдан иборат ҳолда қурилган эди”, деб маълумот беради. Бу маълумотдан Термиз шаҳристонидан 100 метрлар четда, Амударё соҳилида қад ростилаган аллома макбараси шаҳар кўхандизига жойлашганлиги маълум бўлади.

Макбара қурилиши бир неча даврларда босқичма-босқич амалга оширилган. Тадиқотлар натижаларига кўра, макбара биринчи бор IX аср охири X аср бошларида барпо этилган. Кичик, гумбазсимон кўринишда бўлган. Хом гиштдан тиклангани учун мезморий безаклар, нақшлар қилинмаган. Макбара қурилишининг иккинчи даври X асрнинг ўрталарида тўғри келади. Бу даврда макбара аввалгисига нисбатан тўртбурчак шаклда тикланади. Уни қуришда хом гишт ўрнига гиштдан вийт ишлатилади. Ушбу деворнинг бир қисми эндиликда макбаранинг жанубий тарафидати пештоқнинг асосида сақланиб қолган. Бу ерда қурилишнинг учинчи даври XI асрнинг иккинчи ярмидан 1172 йиллар оралиғида кеча-




ди. Бу даврда макбара кенгайтирилади, шарқий қисмида унга туташ қилиб уч гумбазли меҳробли масжид ва ҳовлисимон кўринишдаги мезморий иншоот қурилади. Макбара ва масжиднинг ички қисми кувийи ва насх услубидаги эпитафик ёзувлар, гириҳ ва исломий шакллардан иборат нақшлар билан безалади. Макбарада қурилиш ишларининг навбатдаги босқичи соҳибқирон Амир Темур даврида, 1389-1390 йилларда амалга оширилган. Бу даврда аввалги макбаранинг шарқий томонида ҳовлининг жанубий девори бўйлаб янги чиллахонали макбара бунёд этилади. XV аср бошида темирлий шаҳзода Халил Султон топшириғига кўра макбара ва масжид олдида икки пештоқли, баланд гумбазли, маҳобатли, ички қисми нақшлар билан безатилган хонақоҳ қурилади. Аллома қабри устига нихоятда чиройли қилиб ишланган, турфа ёзувлар битилган, юксак сангтарошлик намунаси бўлган қабртош қўйилди. Натижада бу ерда Хаким ат-Термизий макбарасининг бугунги қиёфасига монанд мажмуадан иборат зиёратгоҳ пайдо бўлади.

Албатта, макбара атрофида XVI ва XVIII асрларда ҳам бошқа иншоотлар, макбаралар барпо этилган. Лекин улар давр талотумлари натижасида бузилиб, йўқ бўлиб кетган. XX асрда келиб, макбаранинг темирлийлар даврида барпо этилган қисмига ҳам зарар етади.

Албатта, макбара атрофида XVI ва XVIII асрларда ҳам бошқа иншоотлар, макбаралар барпо этилган. Лекин улар давр талотумлари натижасида бузилиб, йўқ бўлиб кетган. XX асрда келиб, макбаранинг темирлийлар даврида барпо этилган қисмига ҳам зарар етади.

лари битилган мрамар тахталар ўрнатилди. Макбарага олиб борадиган йўл барпо этилди. Энг муҳими, ушбу масканга зиёратчиларнинг эмин-эркин келиб-қетишлари учун имконият яратилди.



2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик халқаро микёса ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда нишонланиши натижасида ушбу тарихий масканда ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Мажмуа атрофидаги тарихий масканлар, ёдгорликлар илмий тадиқ қилинди. Шаҳарнинг 2,5 миң йиллик тарихига эга эканлиги ҳақидаги илмий ҳақиқат мана шу қадимий масканда исботини топти. Ана шу анжуманда Юртбошимиз “Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Хаким ат-Термизий, ислом дунёсиде олти муҳаддисдан бири сифатида тан олинган Имом Исо ат-Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуғ аждодларимиз, азиз авлиёларнинг муътабар номларини халқимиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади”, дея буюк зотлар ва улар меросига юксак баҳо берди. 2004 йилда эса Термиз давлат университетиде “Хаким ат-Термизий ва унинг даври” мавзуда халқаро илмий анжуман ўтказилди. Анжуманда аллома илмий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш эндиликда дунё микёсиде амалга оширилаётгани алоҳида эътироф этилди.

2006 йилдан бошлаб алломанинг макбара мажмуасида кенг қўламда илмий тадиқот, ёдгорликни қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Аввало, макбара пойдеворлари асоси ва атрофи археологлар томонидан очиб ўрганилди. Мажмуа ўтмиши билан боғлиқ тарихий ҳақиқат, биналарнинг мезморий тузилиши аниқланди. Макбара атрофидаги бошқа иншоотлар ва қабрларнинг ўринлари белгиланди. Археологик қазинмалар пайтида 400 дан ортиқ нобъ тарихий ашёлар тошлди. Булар ушбу мажмуа тарихини ўрганишда асос манбалар ҳисобланади. Шундан кейин мажмуада Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан

музей биналари атрофи кўкаламзор болларга, гулзорларга айлантирилди. Замонавий асосда экондишафт тизими яратилди. Дунёнинг турли ўлкаларидан олиб келинган 4 миңдан ортиқ манзарали даряхтлар қўчалари экилди. Мажмуа барридаги иссиқхонада ҳар йили 100 миңдан зиёд мавсумий гуллар етиштирилади ва улар зиёратгоҳда гулзорлар яратишга хизмат қилмоқда. Бу ерда зиёратчилар учун 5 та миллий услубдаги ёзги айвон барпо этилган. Замонавий мезморий тарх асосида тикланган чойхона, тамаддиҳона, дам олиш масканлари ҳам зиёратга келган меҳмонлар учун қулайликлар яратмоқда. Мажмуада ҳар бир ҳудуд алоҳида эътибор ва назоратда. Бу ерга борган одам ҳам улуғ аллома макбараси, тарихий масканлар зиёратидан, ҳам ушбу маскандаги гўзаллик, орасталик, ободликдан баҳраманд бўлади.

— Мамлакатимизнинг Биринчи Президентини хар гал Термизга ташриф буюрганида бу ерга келиб, албатта, ушбу мажмуани кўриб, зиёрат қилиб кетарди. Навбатдаги қилинадиган ишлар қўламини белгилаб беради, — дейди Хаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуаси директори Абдурамон Чориев. — Шу йилнинг 30 июнида Юртбошимизнинг Сурхондарё вилоятига сўнги ташрифий пайтида ҳам шундай бўлди. Зиёратдан кейин юртимиз раҳбари макбарани янада мукамал, тарихий қиёфасига монанд тарзда тўла таъмирлаш, мажмуада Самарқанддаги Имом ал-Бухорий ёдгорлиғидеги каби иншоотлар, биналар барпо этиш, улар қурилишида замонавий ва қадимий миллий мезморийлик услубларидан фойдаланиш, бу ишларни амалга оширишда Сурхон воҳаси хунарамандчилиғига хос анъаналарни қўллаш хусусида тақлифлар билдирган эди. Бугунги кунда ана шу тақлифлар асосида мажмуага қайта қуриш, таъмирлаш ишларига тайёргарлик қуриломоқда.

Демак, Хаким ат-Термизий номи билан боғлиқ бу тарихий ёдгорликда, халқимиз ардоқлаб эъзозлаётган қадамжода, Жайхун соҳилидаги табаррук масканда уни обод, гўзал, кўркам мажмуага айлантириш билан боғлиқ бунёдкорлик, яратувчилик ишлари давом этади. Ана шунда халқимизнинг ўз юртига муҳаббати ва буюк сиймолари хотирасига бўлган юксак эҳтиромга тўла ифодасини топади.

Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" ҳамда кучли ижтимоий сиёсат принциплари асосланган ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қатор қонунларда мустақамлаб кўйилди. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонунда ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб бериш масалалари асос қилиб олинган эди.

Ёшлар камолотининг кафолатлари

Шунингдек, Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Васийлик ва ҳомилик тўғрисида"ги қонунлар ёшлар тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатишда, иш билан банд қилишда, фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда муҳим ҳуқуқий база вазифини ўтамоқда.

Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори босқичма-босқич изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мангикий давоми бўлиб, фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом, комил инсон қилиб тарбиялаш борасидаги вазифарларимизни янада юқори сифат даражасига кўтарди.

Айтиш жоизки, мазкур қарорнинг қабул қилинишига қуйидаги омиллар туртки бўлди: биринчидан, мустақиллик йилларида ёшлар сиёсати бўйича амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгаришлар киритиш билан бирга, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги изчил ҳаракатларимизда ёшларнинг фаол иштирокчини кучайтиришга эҳтиёж туғилди; *иккинчидан*, ҳозирги пайтда мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий оғ даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, ёш авлодининг илм-фан, спорт соҳасида эришаётган ютуқлари бу соҳадаги ислохотларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирди; *учинчидан*, жаҳон миқёсида глобаллашув ва ахборот технологиялари тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришларни ҳолисона ва танқидий баҳолаган ҳолда фарзандларимиз келажагини кўзлаб, ёшлар сиёсатини амалга оширишда қўшимча чора-тадбирларни белгилаб олишга зарурият туғилди; *тўртинчидан*, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган ёшларга оид дастур ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришиши шулар жумласидандир.

2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интелектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарбиб қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш каби муҳим ва долзарб чора-тадбирларни янада юқори босқичга кўтарди.

Асосий қонунимизда комил инсон таълим-тарбияси учун зарур бўлган барча ҳуқуқ ва эркинликлар белгилаб берилган. Зеро, ёш авлодни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан асраб-авайлаш, уларни билимли қилиб тарбиялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шарт-шароитларини яратиш мамлакатимиз олдида қўйган юксак вазифарлардан ҳисобланади.

Ёшлар ўз салоҳиятларидан эркин фойдаланишга, ўз иқтидор ва истеъдодларини тўла намоён этишга ҳаққондорлар. Уларга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади. Қонун билан белгиланган ёшга етгач, уларнинг сиёсий ҳуқуқлари доираси янада кенгайди. Ёшларнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалардаги ҳуқуқлари Конституция асосида қабул қилинган қўллаб қонулар билан ҳам таъминланмоқда. Таълим тўғрисида, тадбиркорлик, меҳнатга оид қонунлар, жамоат бирлашмалари, виждон эркинлиги, жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонулар шулар жумласидандир.

Давронбек РАВШАНБЕКОВ,
Шерзод ТЎРАБЕКОВ,

Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари

Мустақиллигимиз таянчи

Бугун юртимизда яна улғувор байрам руҳи кезиб юрибди. Мамлакатимизда Конституция-миз қабул қилинганнинг 24 йиллиги кенг нишонланмоқда. Андижон вилоятида ҳам ушбу сана муносабати билан тантанали тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Андижон шаҳридаги Бобур номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида кутлуф санага бағишланган тантана ўтказилди. Унда вилоят фаоллари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, меҳнат фахрийлари ва ёшларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Байрам тадбирида таъкидланганидек, ҳуқуқ ва эркинликларимиз асоси — Конституция қабул қилинган кун халқимиз учун энг кутлуф санага айланди. Мустақиллик йилларида Бош қомусимиз фуқаролик жамиятини куриш, қонун ижодкорлигини таъминлаш ва узққни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотларнинг бош омилли сифатида эътироф этилди.

Соғлом она ва бола йилида андижонликлар қатта ютуқларга эришдилар. Биргина Андижон шаҳрида "Марказий дехқон бозори" реконструкция қилиниб чирой очди, темир йўл вокзали замонавий қиёфа касб этди, 300 ўрилли болалар кўнрақ театри фойдаланишга тошпирилди. Қатор турар жой биноларининг қад ростлагани халқимиз турмуш фаро-

вонлиги, яшаш маданиятининг юксалишига хизмат қилмоқда. Бундай яратувчилик ишлари барча шаҳар ва туманларда ҳам амалга оширилмоқда. Бунинг замирида, шубҳасиз, қонун билан мустақамланган имконият ва эркинликлар мужассам.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида Биринчи Президентимизнинг фармони билан фидокорона меҳнатлари учун бир гуруҳ андижонликлар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган эди. Улар учун бу кун қўшалок шодиёнага айланди. Олқишлар остида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Улуғбек Розикўлов ва вилоят ҳокими Шухратбек Абдураҳмонов давлат мукофотларини ўз эгаларига тошпирди.

— Бизнинг меҳнатларимиз давлатимиз томонидан бу қадар юксак баҳоланганидан хурсандчилигимиз чексиз, — дейди мукофотланганлар номидан Ўзбекистон "Адолат" СДП Асака туман кенгаши раиси Меҳринос Каримова. — Бир неча партиядошларимизнинг бундай бахтга эришгани янада қувонарли. Бунга жавобан янада фаол ишлашни, амалга оширилаётган

ислохотларга муносиб ҳисса қўишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ёшлар номидан сўз олган Андижон давлат университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Севара Фозилжонова мукофотланганларни табриклаш билан бирга уларнинг изидан бораётган тенгдошларининг фаоллиги, ташаббускорликлари ва юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўишларини билдирди.

— Биринчи Президентимиз Ислом Каримов биз ёшларни "Менинг фарзандларим — Ўзбекистоннинг келажаги", дея бағрига босарди, — дейди Андижон давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси, "Ёш адолатчилар" қаноти фаоли Гулзода Саиданимова. — Бундай ғамхўрлик, албатта, ҳар биримизни фаолликка ундайди. Бош қомусимиз билан берилган имкониятларга жавобан ҳам олдинга интилишимиз, амалга оширилаётган ислохотларни давом эттиришимиз лозим.

Байрам тантанаси тинчлик, мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаётимизни ифодаловчи концерт дастурига уланди. Элимиз суйган таниқли санъаткорлар ва болалар ижросидаги куй-қўшиқлар барчага завқ-шавқ улашди.

Ақбаржон НАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири

"Конституция" сўзи турли даврларда, турли маъноларда қўлланилган бўлса-да, бугунги кунда у олий юридик кучга эга бўлган, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар пойдеворини, тағзаминини ташкил этадиган Асосий қонунни англатади.

Жамиятнинг ижтимоий муносабатини тартибга солувчи ҳужжат



Конституция ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ҳисобланади. Унда давлат бошқаруви шакли, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳусусиятлари, тараққиётининг бош мезонлари, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган бўлади.

Конституциянинг муайян мамлакат ижтимоий тараққиётининг ҳуқуқий замини, мезони эканлиги унинг функцияларида яққол намоён бўлади. Конституциянинг энг асосий функцияларидан бири давлатчилик ривожланишидаги ворисликни таъминлашдир. Конституциянинг сиёсий функциясини оладиган бўлсак, у жамиятнинг ижтимоий тузумини тартибга солиш билан бирга сиёсий ҳаёт ҳамда ҳокимият учун курашнинг муайян ҳуқуқий доирасини белгилаб беришда ифодаланади. Ташкилий функциянинг моҳияти давлатнинг конституцион тузилишини ташкил этиш ва унинг фаолиятига доир асосий мезонларни тартибга солишдан иборат.

Конституцияда жамият тараққиётига туртки берувчи ролялар ўз ифодасини топади. Бу унинг амалий функциясини намоён қилади.

Конституция асосий қонун сифатида муайян давлатнинг ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзгини ташкил этади, ҳуқуқий тизим фаолиятининг устувор тамойилларини белгилайди ва бу унинг яна бир юридик функциясида яққол намоён бўлади.

Асосий қонунимизда демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг қиёфаси, ўзига хос белги ва ҳусусиятлари шакли ва шамойиллари ўз ифодасини топган.

Конституциямизда шахсининг ёши, миллати, irqи, ижтимоий аҳоли билан боғлиқ ҳеч қандай чеклашлар йўқ. Масалан, бошқа мамлакатларнинг фуқароликка эга бўлиш тўғрисидаги қонунчилигида кузатишимиз мумкин бўлган тил биллиш ва ўтроқлик негизлари борасида ҳам чеклашлар йўқ, теги фуқаролик ҳуқуқи мустақамлаб қўйилган.

Бош қомусимизда инсоннинг қуноқли ҳаётдаги энг муҳим эҳтиёжларини таъминловчи имкониятлар яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, суд жараёнида шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ҳуқуқи, фикрлаш, эътиқод ва сўз эркинлиги, виждон эркинликлари кафолатланган.

Умуман, Конституциямизда кўп йиллик миллий давлатчилигимиз анъаналари инобатга олинishi билан бирга жаҳон Конституцияларининг тажрибаларидан ҳам кенг фойдаланилган. Шу йўл билан унинг энг инсонпарвар, демократик ва адолатли қонун бўлишига эришилган. Зеро, унда тарихийлик замонавийлик билан уйғунашиб, жаҳоннинг ижтимоий, сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий тафаккури соҳасида эришилган барча ютуқлар мужассамлашган.

Шарақиб ТОЖИЕВ,
Чироқчи туман 2-сон ФХДЭ бўлими мудири

АМИР ТЕМУР ЎГИТИ

Дўсту душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Газетанинг навбатдаги сони 2016 йил 23 декабрь жума куни чиқади.

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК

ЖАМОАСИ

Сиз азизларни мамлакатимиз Конституцияси кун байрами билан чин юракдан муборакбод этади! Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз! Байрам муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

«КОНСТИТУЦИЯ — 2016»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 2 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргалликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---------------------------|-----|-----------|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарход филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фаргона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Кўкон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамгармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган. www.asakabank.uz

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



Таҳрир хайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОҲОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва ҳатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144); +90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Илёс Саҳатов
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz adolatgzt-95@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қозоқ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилади. Буюртма Ғ — 1200. Адади — 6698 Босишга тошпириш вақти — 23.15 Босишга тошпирилади — 1.30

Баҳорчи келишилган нарха

ISSN 2073-5237



1 2 3 5 6

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши